

---

---

## ТІЛ ТАРИХЫ ЖӘНЕ ҚҰРЫЛЫМЫ

---

ӘОЖ 811.512

MFTAP 16. 21. 23

### “ДЕВОНИ ЛУГАТИТ ТУРК” АСАРИДА ПОЛИСЕМИЯНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

### EXPRESSION OF POLYSEMY IN THE LITERARY WORK “DIVAN LUGAT AT-TURK”

Хамидилла ДАДАБОЕВ\*

#### Түйіндеме

Полисемия – көп мағыналылық, көп вариантылық, яғни сөзде (тілдік бірлікте, терминде) тарихи жағынан негізделген немесе мағынасы мен шығу негізі өзара байланысты екі және одан да көп мағынаның болуы. Лексеманың өзгеру динамикасы мен әрбір жаңа лексеманың тұра мағынасын анықтау үлкен мәнге ие.

Мақалада Маҳмұд Қашқаридың атақты «Диуани лұғат ат-турк» еңбегін жазуға әсер еткен полисемия феноменіне талдау жасалады. Тілдік мақалаларда берілген мысалдардағы түрлі тілдік факторлардың әсері нәтижесінен белгілі бір сөздің ғасырлар бойы қалыптасуындағы манызды өзгерістерді көруге болады.

**Кілт сөздер:** полисемия, лексикология, синоним, диуан, сөздік, сөз ұғымы.

#### Summary

Polysemy is realized by the method of transferring the name of a certain object, attribute, action into another object, a sign, an action and is considered a complex and multifaceted phenomenon of lexical polysemy. It is very important to identify the dynamics of changing the value of each lexeme and to determine the exact concept of each new lexeme.

The article deals with the analysis of the polysemy phenomenon, which had a significant impact on the works of Mahmud Kashgari “Divan Lugat At-Turk”. As a result of the various linguistic factors influence, significant changes occurred in lexical formations for several centuries, which are presented in the article by specific examples.

**Key words:** polysemy, lexicology, synonym, lexical meaning, sofa, dictionary.

Лұғат сўз бойликтинг аксариятини ҳозирги ўзбек адабий тилидагидек бир маъноли сўзлар ташкил этади. Моносемантик лексемалар сирасига *awurtta* “доя”, *алымчы* “қарз берувчи”, *элти*

---

\* Профессор, Сирдарё вилоят үқитувчилар малакасини ошириш институти. Тошкент-Узбекистон.

Professor, Institute of teacher improvement of Syrdarya region. Tashkent-Uzbekistan. E-mail:  
[abdurahmonova.1987@mail.ru](mailto:abdurahmonova.1987@mail.ru)

## **Дадабоев Х. “Девони луғатит турк” асарида полисемиянинг ифодаланиши.**

“улок”, этук “этик”, бутық “буток”, изи “келгуси йилдан кейинги йил”, *йа* “ёй, камон”, *йалма* “пахтали түн”, *кäбäз* “пахта, ғўза”, *кёрк* “кўрк, ҳусн”, *от* “ўт, хашак”, *пўк* “ўргимчак”, *самурсақ* “саримсоқ”, *сў* “кўшин, лашкар”, *тамур* “томир”, *тäркäн* хатун “малика”, *тоз* “тўзон”, *ушгун* “ровоч”, *хасны* “иштаҳа дориси”, *чэрғäи-* “саф тортмоқ”, чыл “терига тушган калтак изи”, *шабан* “темир ҳасса”, *қанағу* “ништар”, *қылыч* “қилич” сингари кўплаб лексема ва истилоҳларни киритиш мумкин. Айни чоғда, асардан қорахонийлар даври эски туркий тил ва лаҳжаларда қўлланишда бўлган анчагина кўпмаъноли сўзларга ҳам ўрин ажратилган ҳамда улар маромига етказилиб изоҳланган.

Маълумки, лексик кўпмаънолилик мураккаб ва серкиррали ҳодиса ҳисобланади. Ҳар бир лексеманинг маъно тараққиёти динамикаси алоҳида-алоҳида ёндашишни, изоҳлашни талаб қилганлиги боис лексемаларнинг маъно нозикликларини аниқлаш ва тартибга солиш жуда мушкул. Шу жиҳатдан мавжуд адабиётларда лексемаларнинг кўпмаънолилиги борасида илгари сурилган мулоҳазалар ўта мавҳум бўлиб, лексик маъно ривожи хусусида умумий тасаввур уйғотади, холос<sup>1</sup>.

Полисемия одатда муайян нарса-предмет, белги-хусусият, ҳаракат номини бошқа нарса-предмет, белги-хусусият, ҳаракатга кўчириш усули билан воқеланади. Кўчиришнинг табиатини, мавқеини муайян тилга хос бўлган маъновий қонуниятлар белгилайди<sup>2</sup>.

Махмуд Кошғарий кўп маъноли сўзларни изоҳлашда метафора йўли билан кўчиришга алоҳида дикқат қаратади. Чунончи, ҳар бир тинч ва барқарор, турғун, қимирламайдиган нарса *амул* лексемаси билан аталган. Шунга кўра юмшоқ феълли ювош кишилар ҳам *амул* дейилган (I, 104). Кези келганда *амул* лексемасининг метафорик маъноси орқали *алчақ* (I, 126) сўзи билан синонимик уяни шакллантирганини қайд этиш мақсадга молик.

Эски туркий тилда *башган* истилоҳи “50-100 ратл оғирлиқдаги катта балиқ”ни англатган. Лугнатависнинг қайд этишича, жамоанинг каттаси, раҳбарини ҳам шунга ўхшатиб, бодун *башганы* – жамоа улуғи, раиси деб аташган (I, 410). *Башган* лексемасининг анология йўли билан ҳосил қилинган маъноси кейинги даврларда ҳам сақланиб

<sup>1</sup> Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. Биринчи китоб.-Тошкент: Mumtoz soz, 2010 . - Б. 61

<sup>2</sup> Раҳматуллаев Ш. Кўрсатилган асар. Ўша бет.

қолган. Хусусан, ҳозирги турк тилида başkan истилохи “бошлиқ, раҳбар; раис; президент” маъноларини касб этган (ТРСл, 101). “Шоҳсиз ҳайвон” маъноси соқар зооними билан ифодаланган. Бирор нарса-предметга хос белги номининг бошқа нарса-предметдаги белгига кўчирилиши натижасида “икки чеккасигача сочи йўқ ёки сочи тўкилиб кетган кал киши” ҳам айни лексема, яъни соқар билан номланган (I, 389). “Қариндош-уруғ” маъносининг қандай йўл билан юзага чиққани хусусида Маҳмуд Кошғарий фикрига дикқат қаратамиз: Уруғ – ҳар бир нарсанинг уруғи: экиладиган уруғни ҳам уруғ дейдилар. Уруғ экди – уруғ экди, дона сочди. Қариндош-уруғни ҳам бунга ўхшатиб уруғтурғыз дейдилар (I, 95). “Ҳўл новда” эски туркий тилда тал сўзи билан аталган. Юмшоқ одамлар, кўпинча нозик ва хушқомат канизаклар толга қиёс қилиниб, тал бозлуғ дейилган (III, 171). Қадимги туркий тил ва эски туркий тилда бэг лексемаси асосан “хукмдор, раҳбар, бек” бирламчи маъносида қўлланган (ДТС, 91). Маҳмуд Кошғарий ушбу сўзнинг “хотиннинг эри” маъносини ҳам ифодалашини, бунда эркакнинг уйда бекларга ўхшатилгани назарда тутилганини таъкидлаган (III, 170). Луғатшунос сўз маъносининг метафорик йўл билан кўчиш ҳодисасига “тую тезаги” маъносини ифодалаган майақ лексемаси мисолида алоҳида тўхталган: Бу сўз тую тезагига хос бўлса ҳам, сўнг истиора асосида қуйникига ҳам қўлланган. Қай майақы – қўй қумологи каби (III, 182). Йиртқич қушлардан бири лочинни англатган лачын зооними “ботир йигитлар” кўчма маъносини ҳам ифодалашга хизмат қилган (Дадабоев, 2008: 3-8). Бирор нарса-предмет номининг бошқа нарса-предметга белги сифатида кўчиши “жилонжийда”ни англатган чыпқан лексемасининг қизилликда жилонжийдага ўхшаган чипқон ярасига нисбатан қўллангани луғатда эътироф этилган (I, 419) ва ҳ.к.

Метонимия, яъни ўзаро боғлиқлик асосида кўчиришга оид бир қатор фактик материаллар ҳам луғатдан жой олган. Хусусан, нутқнинг ҳосил бўлишида ўта фаол ҳисобланган инсон органларидан бирини номловчи тил лексемаси “мулоқот қуроли, мулоқот воситаси, лисон” маъносини ҳам англатган (I, 323). “Қуёш” маъносини билдирган кун лексемаси “сутканинг ёруғ қисми” семасини ҳам ифодалаган (I, 327), “Ернинг йўлдоши, яъни ой” маъносини ифодалаган ай лексемаси “30 кундан иборат бўлган вақт, муддат”ни ҳам англатишга хизмат қилган (I, 110). “Тери” маъносида ишлатилган қуйқа лексемаси теридан тайёрланган кийим, яъни “пўстин”ни ҳам англатган (III, 188). Белги

## **Дадабоев Х. “Дөвөн илгатит түрк” асарыда полисемияннинг ифодаланиши.**

---

номининг нарса-предметга кўчирилишига мисол тариқасида “тўқ сариқ ранг”ни ифодаловчи *a:l* сўзининг шунингдек, “тўқ сариқ, яъни апельсин рангдаги ипак кийимлик”ни англатгани хусусидаги қайдни келтириш мумкин (I, 110). Бир нарса-предмет номининг бошқа нарса-предметга ўзаро боғлиқлик асосида кўчирилиши “турли овқатлар билан тўла дастурхон” ҳамда “дастурхон” ни билдирувчи *тэрғў* сўзи изоҳида реаллашган (I, 403) ва x.к.

Синекдоха, яъни бир нарса-предмет номининг бошқа бир нарса-предметга қисм билан бутун муносабати асосида кўчирилишига доир баъзи мисолларни келтирамиз. Алалхусус, сәрк лексемаси “сопол идиш” қатори унинг синиқларини ҳам англатган (I, 335). Лугатда изоҳланишича, дон экинларининг ҳаммасига умумий равишда қўлланувчи *тарығ* фитоними “буғдой”ни, ўғузлар тилида эса “тариқ”ни англатган (I, 354). Йан сўзи “сон суяги” маъноси қатори “сон суягининг бош қисми”ни ҳам ифодалган (III, 175) ва x.к.

Лугатда қайд этилган кўпмаъноли сўзлар борасида рисоланинг аввалги бобларида ҳам баъзи бир мулоҳазалар билдирилганини ҳисобга олиб, Маҳмуд Кошгарий изоҳлаган полисемантик сўзларнинг семалари таркибини тасдиқловчи фактик материалларни келтириш билан чегараланамиз. Кузатишларимиз лугатдан ўрин олган кўпмаъноли сўзларнинг семик таркиби иккidan олтигача эканлигини кўрсатади. Чунончи, икки маънодан иборат кўпмаъноли сўзлар сирасига: *алын* 1. пешона, манглай; 2. тоғнинг баланд ва юмолоқ томони (Дадабоев, 2008: 107); *алп* 1. ботир, қаҳрамон (I, 77); 2. ботирлик қаҳрамонлик (III, 403); *арығ* 1. пок, тоза (I, 95); 2.дин. ҳалол (I, 328); *алқын-* 1.тамом бўлмоқ, тугамоқ; 2.ўлмоқ, вафот этмоқ (I, 255); *бар-* 1.бормоқ; 2. йўқ бўлмоқ, йўқолмоқ (I, 73); *бат-* 1. ботмоқ (қўёш); 2. чўқмоқ (II, 339); *бурун* 1.бурун; 2. тоғ бурни (I, 379); *бойын* 1.бўйин; 2. қилич дастаси (III, 189); *бўқ-* 1. йиғмоқ, бўғмоқ (сувни); 2. кўчма. тўпламоқ, йиғмоқ (II, 27); *бўрга* 1.бурга; 2.кўчма. енгил табиатли киши (I, 403); *кэнч* 1.бола, гўдак (II, 351); 2. ҳайвон боласи (I, 276); *кўргақ* 1. бел, курак; 2.эшкак (II, 335); *мончук* 1. мунчоқ; 2.тумор (I, 440); *қорум* 1.қоя, катта тошлар уюми; 2.кўчма.йиғилган, кўпайган (мол); *қырт* 1.калта, паст; 2.кўчма.бахил (I, 328) ва x.к.ларни киритиш ўринли;

уч маънони ифодалаган кўпмаъноли сўзлар парадигмасида *алтун* 1. олтин, тиллла (I, 142); 2. кўчма. пок, қимматли; 3. олтин (танга) (I, 101); *алық-* 1. пастлашмоқ; 2. қавармоқ, яллиғланмоқ, фасодланмоқ; 3. кўчма. ой кўрмоқ (Дадабоев, 2008, 200); *арқыш* 1. карвон (I, 122); 2. чопар; 3. хабар, нома, мактуб (I, 123); *билга* 1. ақлли,

доно; 2. олим; 3. ҳаким, ҳикматшунос (I, 403); *билиг* 1. ақл, фаросат; 2. илм, билим; 3. ҳикмат (I, 367); *битетиг* 1. китоб (I, 365); 2. ёзув, ҳуснихат; 3. тумор (I, 366); *бышиығ* 1. пишган, тайёр; 2. пишиқ; 3. қайнатилган (I, 353); *сатға-* 1. эзмоқ; 2. қўшилмоқ; 3. ўринма-ўрин қилмоқ (III, 302); қыйық 1. эгри-буғри (Ш, 182); 2. вафосиз, бевафо (III, 181); 3. хилофгарчилик (I, 100) каби лексемалар кўзга ташланади;

тўрт маъноли сўзлар сафидан *бош* 1. озод, эркин; 2. бўш, бўшатилган (ҳайвон); 3. бўш, бўшаган (кўл); 4. бўш, ажрашган (эрхотин); кёкрә- 1. бўкирмоқ; 2. кишнамоқ; 3. гулдирамоқ; 4. хайқирмоқ (III, 297) сингари сўзлар жой олган;

беш маънони англатган лексемаларга *баш* 1. бош, калла (I, 165); 2. жўмрак; 3. бошоқ; 4. чўққи (III, 365); 5. дарёнинг ёқориси (I, 323); *бас-* 1. босмоқ, эзмоқ; 2. босиб олмоқ; 3. эгалламоқ, кўлга киритмоқ; 4. зўрламоқ; 5. йиқитмоқ, қулатмоқ (II, 17); *бошу-* 1. озод бўлмоқ; 2. бўшаб қолмоқ (тугун); 3. озод қилмоқ, эркинлик бермоқ; 4. талоқ қилмоқ, ажрашмоқ; 5. бўшамоқ, равшанлашмоқ (ошқозон) (III, 281-282) ва ҳ.к.ни мисол тариқасида келтириш мумкин;

олти маъноли сўзлар ҳам луғатда ўрни билан қайд этилган. М.:  
кэч- 1. ўтмоқ, кечмоқ (дарёдан, сувдан); 2. қўчма. ўтмоқ (ёш); 3. ўтмоқ, кечмоқ (вақт); 4. ўтмоқ, содир бўлмоқ; фойдаланилмоқ; 5. ўтмоқ (каергадир); 6. ўлмоқ, вафот этмоқ ва ҳ.к. Юқорида зикр этилган мисоллар эски туркий тилда нафақат икки ва уч, балки тўрт, беш ҳамда олти маъноли полисемантик сўзларнинг ҳам фаол кўлланганидан далолат беради.

Махмуд Кошғарийнинг "Девону луготит турк" асарида қайд этилган синоним, антоним, омоним ва полисемантик сўзларни атрофлича ўрганиш ўзбек адабий тилида содир бўлувчи лексик – семантик жараёнлар динамикасини аниқлаш ва англаб етишда муҳим илмий- назарий аҳамият касб этади.

#### **Адабиётлар**

1. Дадабоев X. (2008). "Девону луготит турк"даги туркий тилларга хос фонетик ва лексик-семантик ҳусусиятлар ҳақида//Тилшуносликнинг долзарб масалалари 4. -Тошкент.
2. Дадабоев X. (2010). Илк эски туркий тилдаги антонимлар//Тилшуносликнинг долзарб масалалари 5.- Тошкент.
3. Дадабоев X. (2011). Илк эски туркий тилда эркак жинсининг ифодаланиши// Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. - № 5. -Тошкент.
4. Кучкартаев И. (1972). Лексика "Дивану лугат им-турк" М.Кашгари и современный узбекский литературный язык//Советская тюркология. -№1. - Баку.

## **Дадабоев Х. “Девони луғатит турк” асарыда полисемиянинг ифодаланиши.**

---

5. Махпиров В. (1978). *Вопросы этнической истории тюркских племен в «Дивану лугатит турк» Махмуда Кашигарского*// Исследование по киргизскому и казахскому языкознанию. Материалы научной конференции молодых ученых-языковедов Киргизии и Казахстана. -Фрунзе.
6. Маҳмуд Кошғарий. (1960-1963). *Девону лугатит турк*. Т. I-III. Таржимон ва нашрға тайёрловчи филология ғанлари кандидати С.М.Муталлибов.-Тошкент.

### **Резюме**

Полисемия - многозначность, многовариантность, то есть наличие у слова (единицы языка, термина) двух и более значений, исторически обусловленных или взаимосвязанных по смыслу и происхождению. Определение динамики изменений ценности лексемы и точного смысла каждой новой лексемы имеет большое значение.

В статье проводится анализ феномена полисемии, повлиявшей на создание известного произведения Махмуда Кашигари «Диван Лугат Ат-Тюрк». В результате влияния различных языковых факторов на примерах, представленных в статье, можно увидеть важные изменения, происходившие при формировании тех или иных слов в течении нескольких веков.

**Ключевые слова:** полисемия, лексикология, синонимы, понятие слова, словарь.

**(Дадабоев Х. Дивани Луга Ат-Тюрк как выражение полисемии в литературе)**

### **Özet**

Polisemi, çok anlamlılık, çok değişkenlidir, yani, kelimenin (dil birimi, terim), tarihsel olarak belirlenmiş veya anlam ve kökleri ile ilişkili iki veya daha çok anlam sahip olmasıdır. Sözcüklerin değerindeki değişikliklerin dinamiklerini ve her yeni belirtecin tam anlamını belirlemek büyük önem taşır.

Makalede, Kaşkarlı Mahmud'un ünlü "Divan Lügat At-Türk" adlı eserinin oluşumunda etkisi görünen polisemi fenomeninin analizi ele alınmıştır. Çeşitli dilbilimsel faktörlerin etkisi sonucunda, makalede sunulan örnekler üzerindeki etkisinin bir sonucu olarak, birkaç yüz yıl boyunca belirli kelimelerin oluşumu sırasında meydana gelen önemli değişiklikleri görebiliriz.

**Anahtar kelimeler:** polisemy, lexicology, eşanlamlı, sözcük anlamı, sözlük, sözlük.  
**(Дадабоев Х. Edebi Çalışmalarında Polysemy İfadesi "Divanü Lugati't-Türk")**